**Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 19 апрелдаги 197-сон қарори ижросини амалга ошириш графиги бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот**

*(2023 йил 4 апрель ҳолатига)*

| Т/р | Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишлари 2022 йилнинг август ойида Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани ҳамда Тошкент вилоятининг Паркент туманида амалга оширилсин. | Маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.<br><br>Қарор ижросини таъминлаш бўйича буйруқ қабул қилиш. | Доимий<br><br>3 кун муддатда | Давлат статистика қўмитаси | **Бажарилди.**<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 197-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 22 апрелдаги 22-сон буйруғи тасдиқланди.<br>Мазкур буйруққа асосан, қарорда белгиланган тегишли вазифаларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан барча зарур ташкилий чораларни кўриш бўйича масъулларга вазифалар юклатилди. |
| 2. | Қуйидагилар:<br>синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш, уларни амалга ошириш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш тартибини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва | Маълумот ва ижро учун қабул қилинсин. | Белгиланган муддатларда | Давлат статистика қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги | **Бажарилди**<br>Давлат статистика қўмитасининг туман синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш бўлимини ташкил этиш бўйича 2022 йил 26 апрелдаги 25-сон буйруғи, Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш сўровномаларини тўлдириш бўйича тартибни тасдиқлаш тўғрисида”ги 14-сон |

| Т/р | Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | уларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;<br>синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш, молиявий ва моддий-техник таъминот юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар, ушбу жараёнларга масъул вазирлик, идоралар ва маҳаллий ҳокимликларнинг ҳамда бажариш муддатларини белгиловчи Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ;<br>синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш жараёнларига вақтинчалик ёлланадиган ходимлар, ушбу жараёнларга давлат органлари ва ташкилотлари ходимларини, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш, уларга қўйиладиган талаблар ҳамда ушбу шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш | | | | қарори, Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга оширишда вақтинчалик жалб этиладиган шахсларни ўқитишни ташкил этиш ва ўқитиш бўйича тартибни тасдиқлаш тўғрисидаги” 15-сон қарори, Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга оширишда уй-жой ва хўжалик юритувчи субектлари ҳамда улардаги рўйхатдан ўтказиш обектларини хатловдан ўтказиш бўйича тартибни тасдиқлаш тўғрисида”ги 16-сон қарори, Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш ишларига вақтинчалик жалб этиладиган шахсларнинг ўқиши, ишлаши ва ҳужжатларни сақлаши учун бинолар ажратиш бўйича Қўлланмани тасдиқлаш ҳақида”ги 17-сон қарори, Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига вақтинчалик жалб этиладиган ходимлар учун махсус |

| Т/р | Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | ишларига жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;<br>синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш жараёнида респондентларнинг қишлоқ хўжалиги фаолиятига доир маълумотларини йиғишда фойдаланиладиган саволлар рўйхатини ўз ичига олган Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш дастури 4-иловага мувофиқ;<br>синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш дастури асосида ишлаб чиқилган рўйхатдан ўтказиш сўровнома шаклларидан иборат Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш сўровномалари рўйхати 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин. | | | | гувоҳномани тайёрлаш, бериш, алмаштириш, ҳисобга олиш, сақлаш, гувоҳномадан фойдаланиш, уни қайтариб олиш ҳамда йўқ қилиш тартиби бўйича Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 19-сон қарори, Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 20 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ташкилий режасини тузиш бўйича Йўриқнома”ни тасдиқлаш тўғрисида қарори, Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга оид хужжатлар ва бошқа моддий ашёларни етказиб бериш ҳамда йиғиб олиш бўйича тартиб”ни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор тасдиқланди.<br>2022 йилнинг 27 май куни Самарқанд вилоятининг Жомбой ва Тошкент вилоятининг Паркент туманларида 2022 йилда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларида туман синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш бўлими ва рўйхатдан ўтказиш участкаларига вақтинчалик жалб этиладиган шахсларни ўқитиш, инструкторлик участкаларига вақтинчалик жалб этиладиган шахсларни ўқитиш, стационар ва ҳисоб участкаларига вақтинчалик жалб этиладиган шахсларни ўқитиш режа-жадвали тасдиқланди. |

| Т/р | Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| 3. | Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга кўмаклашиш бўйича ҳудудий комиссиялар 2022 йилда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилишини таъминласинлар. | 2022 йилда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилишини таъминлаш. | Белгиланган муддатларда | Самарқанд вилояти ҳокимлиги,<br>Тошкент вилояти ҳокимлиги,<br>ҳудудий комиссиялар | 2022 йилда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан Давлат статистика қўмитаси томонидан 2022 йил 30 июнда Самарқанд вилояти ҳокимлигига 01/1-11-16/2-110-сон ва Тошкент вилояти ҳокимлигига 01/1-11-16/2-111-сон мурожаатлари юборилди. |
| 4. | Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларининг бирламчи маълумотларини киритиш ва қайта ишлаш бўйича махсус дастурий таъминотни (кейинги ўринларда – дастурий таъминот) ишлаб чиқсин. Бунда:<br>Давлат статистика қўмитаси дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича буюртмачи этиб;<br>дастурий таъминотни жорий этиш | Синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларининг бирламчи маълумотларини киритиш ва қайта ишлаш бўйича махсус дастурий таъминотни ишлаб чиқиш. | Белгиланган муддатларда | Давлат статистика қўмитаси<br>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги,<br>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда | **Бажарилмоқда**<br>Синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларининг бирламчи маълумотларини киритиш ва қайта ишлаш бўйича махсус дастурий таъминот ишлаб чиқилди. Дастурий таъминотнинг имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда такомоллаштирилди.<br>Хусусан, 6 та сўровнома шакллари планшет дастурига жойлаштирилди ва дастур учун мантиқий назорат ишлаб чиқилди.<br>Дастурий таъминот учун ишлаб чиқилган 6 та сўровнома шакли бўйича мантиқий назоратни синовдан ўтказиш мақсадида дастурга маълумотлар киритилиб назоратдан ўтказилди.<br>Жорий йилнинг 1-31 август кунлари Самарқанд вилоятининг Жомбой ҳамда |

| Т/р | Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | ва кейинчалик қўллаб-қувватлаш Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилиши белгилансин. | | | | Тошкент вилоятининг Паркент туманларида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишлари амалга оширилди.<br>Рўйхатдан ўтказувчилар томонидан тўпланган маълумотлар куннинг якуни бўйича алоҳида канал орқали марказий серверига юборилди.<br>Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар марказий серверда тўпланиб, умумлаштирилиб, бираламчи маълумотларни қайта ишлаш амалга оширилди.<br>Бирламчи маълумотлар асосида таҳлилий жадвалларни шакллантириш ишлари давом эттирилмоқда. |
| 5. | Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишлари амалга ошириладиган ҳудудларни 2022 йил 1 июнга қадар зарур миқдорда картографик материаллар (шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг схематик режалари ва хариталари, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларнинг ер участкалари хариталари) билан таъминласин. | Синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш учун зарур миқдорда картографик материаллар (шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг схематик режалари ва хариталари, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларнинг ер участкалари хариталари) билан таъминлаш. | 2022 йил 1 июнга қадар | Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда | Синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш учун зарур миқдорда картографик материаллар (шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг схематик режалари ва хариталари, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларнинг ер участкалари хариталари) билан таъминлаш юзасидан Давлат статистика қўмитаси томонидан 2022 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига 01/3-11-16/2-66-сон мурожати юборилди. |
| 6. | Самарқанд ва Тошкент вилоятлари | Аҳоли пунктлари ва | 2022 йил | Самарқанд вилояти | |

| Т/р | Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | ҳокимликлари ҳамда Жомбой ва Паркент туманлари ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги 2022 йил 1 июнга қадар аҳоли пунктлари ва кўчалар ном белгиларини ўрнатиш, хонадон ва уйларни тўлиқ рақамлаш ишларини якунига етказсин ва синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш даврига қадар мунтазам равишда янгилаб борилишини ҳамда рўйхатдан ўтказиш даврида уларга ўзгартириш киритилмаслигини таъминласин. | кўчалар ном белгиларини ўрнатиш, хонадон ва уйларни тўлиқ рақамлаш ишларини якунига етказиш. | 1 июнга қадар | ҳокимлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Жомбой тумани ҳокимлиги, Паркент тумани ҳокимлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги | |
| 7. | Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда синов тариқасида амалга ошириладиган қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига жалб этиладиган ходимлар ҳамда рўйхатдан ўтказиш учун ажратилган бино ва иншоотлар хавфсизлигини таъминласин. | Синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига жалб этиладиган ходимлар ҳамда рўйхатдан ўтказиш учун ажратилган бино ва иншоотлар хавфсизлигини таъминлаш. | Белгиланган муддатларда | Миллий гвардия Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда | Синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига жалб этиладиган ходимлар ҳамда рўйхатдан ўтказиш учун ажратилган бино ва иншоотлар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Давлат статистика қўмитаси томонидан 2022 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига 01/3-11-16/2-105-сон мурожаатлари юборилди. |
| 8. | Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси белгиланган тартибда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йилда синов тариқасида қишлоқ | Харажатлар сметасини 2022 йил Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети | Белгиланган муддатларда | Давлат статистика қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда | **Бажарилди**<br>2022 йил учун харажатлар сметаси ишлаб чиқилди ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланди. |

| Т/р | Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар сметасини 2022 йил Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар доирасида ишлаб чиқсин. | параметрларида назарда тутилган маблағлар доирасида ишлаб чиқиш. | | | |
| 9. | Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Миллий ахборот агентлиги ва Миллий телерадио-компания билан биргаликда 2022 йилда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларининг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг ёритилишини ташкил этсин. | Синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларининг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг ёритилишини ташкил этиш. | Доимий | Давлат статистика қўмитаси, Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания | **Бажарилди**<br>2022 йилнинг 11 май куни Тошкент шаҳридаги Миллий матбуот марказида “Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларига тайёргарлик жараёнлари” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Матбуот анжуманида, Давлат статистика қўмитаси раиси, Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти раҳбарияти, қўмита марказий аппарати тармоқ бошқармалари бошлиқлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Матбуот анжумани УзРепорт телеканали, Ўзбекистон 24 радиоканали ва қўмита расмий сайти орқали ёритилди.<br>Шунингдек, 2022 йилнинг 20 май куни Самарқанд вилояти Жомбой туман ҳокимлигида “Жомбой туманида синов тариқасида қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбири ўтказилади” мавзусида семинар ташкил этилди. Семинарда Давлат статистика қўмитаси, вилоят статистика бошқармаси мутахассислари, туман ҳокими ва ҳоким ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, |

| Т/р | Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | маҳалла фуқаролари йиғини раислари иштирок этишди. Семинар Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси ва бошқарма расмий сайти орқали ёритилди.<br>2022 йилнинг 1 август куни Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатга олиш жараёнлари тўғрисида лавҳа тайёрланиб Ўзбекистон 24 телеканали орқали эфирга узатилди.<br>2022 йилнинг 1 август куни Самарқанд вилояти Жомбой туманида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатга олиш жараёнлари тўғрисида лавҳа тайёрланиб Самарқанд МТРК телеканали орқали эфирга узатилди.<br>2022 йилнинг 7 август куни Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишнинг мақсад ва вазифалари мавзусида “Студия 24” кўрсатувида Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳ. Ўразбеков иштирокида кўрсатув эфирга узатилди.<br>2022 йилнинг 25 август куни Тожикистон статистика агентлиги вакиллари Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан тажрибасини ўрганишмоқда мавзусида лавҳа тайёрланиб Ўзбекистон 24 ҳамда Renesans TV телеканаллари орқали эфирга узатилди.<br>2022 йилнинг 29 август куни Синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш мавзусида лавҳа тайёрланиб Ўзбекистон 24 телеканали орқали эфирга узатилди. |

| Т/р | Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| 10. | Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси синов натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини 2023 йил 1 февралига қадар ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин. | Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тамойиллари ҳамда услубий асослари ва рўйхатдан ўтказишга оид бошқа масалаларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2023 йил 1 февралга қадар | Давлат статистика қўмитаси | **Бажарилмоқда**<br>Ўзбекистон Республикасида 2025 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди.<br>Мазкур лойиҳа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz) орқали 2022 йил 1 декабрь куни ID-72414-сон билан манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларига идоравий келишув учун юборилди.<br>Қонунчилик талабларига мувофиқ, 2022- йил 22- декабрда қарор лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига (regulation.gov.uz) жамоатчилик муҳокамаси учун (ID -73906) жойлаштирилди.<br>Жамоатчилик муҳокамаси жараёнида қарор лойиҳасига фуқаролардан таклифлар берилмади. Вазирлик ва идоралардан берилган таклиф ва эътирозлар кўриб чиқилди, ўринли деб топилган таклифлар асосида лойиҳага тегишли ўзгартиришлар киритилди.<br>Лойиҳа ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун 2023- йил 11- январда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилди. |

| Т/р | Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Адлия вазирлиги томонидан лойиҳа юзасидан 2023 йил 16 январда тақдим этилган жавоб хатида Молия вазирлиги билан қайта келишиш баён этилганлиги сабабли, 2023 йил 18 январда лойиҳа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz) орқали идоравий келишув учун Молия вазирлигига қайта киритилди.<br>2023 йил 14 февралда Молия вазирлиги томонидан лойиҳага берилган таклиф ва эътирозлар кўриб чиқилди, ўринли деб топилган таклифлар асосида лойиҳага тегишли ўзгартиришлар киритилди ҳамда 2023 йил 18 февралда Молия вазирлигига юборилди.<br>Халқаро амалиётда, халқаро ташкилотлар жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) тавсиялари асосида дунёнинг кўплаб давлатлари томонидан аҳолини рўйхатга олиш тадбиридан сўнг, қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш амалиёти жорий этилган.<br>Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш муддатига аниқлик киритилгандан сўнг, Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси |

| Т/р | Қарор ва топшириқ бандининг мазмуни | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига Статистика агентлигининг 2023 йил 20 февралдаги расмий хатлари юборилди. |
| 11. | Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин. | Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш. | Доимий | Давлат статистика қўмитаси | **Бажарилмоқда**<br>Қарор ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисидаги ахборотлар ҳар ойнинг 5-санасига қадар Вазирлар Маҳкамасига киритиб борилади. |